Узбекистон Республикаси
Фаргона вилояти
Кукон шахар

Кукон шахар, Шалдирамок кучаси 4/29,Тел : (8373)542-70-81
х/р 20208000904677770001
«Алокабанк» Кукон булими, МФО 01092,
СТИР 206948598, ХХТУТ 84400

Elite Invest Renome Audit
Mas`uliyati cheklangan jamiyati

O`zbekiston Respublikasi
Farg`ona viloyati
Qo`qon shahar

Qo`qon shahar, Shaldiramoq ko`chasi 4/29, Tel: (8373)542-70-81
x/r 20208000904677770001
"Aloqabank" Qo`qon bo`limi,MFO 01092,
STIR 206948598, XXTUT 84400

«28»апрель 2017 й.

№ 07/17М

# ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**Фаргона вилоят "Агрокимёхимоя" худудий акциядорлик маъмияти рахбарятига.**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги МЧЖ «ELITE INVEST RENOME AUDIT » АТ»аудиторлик ташкилоти (Кукон шахар, Шалдирамок кучаси 4/29, тел: 542-70-81, х/р 20208000904677770001 Кукон Алока банк, МФО 01092, СТИР 206948598, ХХТУТ 84400

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 30.06.2009 йилда берилган № 00699-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 31.01.2008 йилда № 368 –реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) АУДИТОРИ **Ашурбаев Б** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05214 28.06.2014 йилда Молия Вазирлиги томониданберилган*) хўжалик юритувчи субъект **Фаргона вилоят "Агрокимёхимоя" худудий акциядорлик маъмияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг"Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, шаклларидан иборат 2016 йил 01 январидан- 2016 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Мен **Фаргона вилоят "Агрокимёхимоя" худудий акциядорлик маъмияти** томониданилова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Менаудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш менинг мулоҳазамнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

**Ижобий фикр**

Менинг фикримча хўжалик юритувчи субъект **Фаргона вилоят "Агрокимёхимоя" худудий акциядорлик маъмиятиининг 2016 йил 31 декабрь** ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги**
**«ELITE INVEST RENOME AUDIT » АТ**
**аудиторлик ташкилоти**
**директори:** **О.Сулаймонов**

**Аудитор** **Б.Ашурбаев**